

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

294 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 май,
15/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил
26 майдаги 15/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «имзо» деган сўз «имзолар» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ миқдорда лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, банк миқдорга ҳисобварақ очишни рад этади.»

3. 31-банднинг «б» кичик бандидаги «имзолар ва муҳр изи қўйилган варақча» деган сўзлар «имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 33-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«33. Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга бухгалтерия ҳисоби субъектида раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига эса, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Агар бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган бўлса, у ҳолда ҳар иккала рўйхатда ҳам ўзини кўрсатади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиги бошлиғи ва яқка тартибдаги тадбиркор думалоқ муҳри бўлмаган ҳолларда, ўз имзолари намуналарини тақдим этади.

Тўловга тақдим этиладиган чекларнинг рақамларини текшириш мақсадида банк миқдорларга берган пул чеклари рақамларини банкка топширилган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада қайд этади.»

5. 34-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас, бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган ҳоллар бундан мустасно.»

6. 41-банддаги «имзолари намуналари қўйилган варақча» деган сўзлар «имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 54-банддаги «имзо» деган сўз «имзолар» деган сўз билан алмаштирилсин.